

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил  
12 апрель  
ШАНБА  
№ 30 (12666)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Истеъдод – 2014

## ПАРВОЗ ЭТ, ЮРТИМ НАВОЛАРИ

Мамлакатимиз раҳбарининг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш маъносида мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини тақомиллаштиришга бераётган эътибори йилдан-йилга ўз самарасини кўрсатмоқда. Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг бу борадаги муваффақиятлари айтса арзигулик.

22 йилдан буён болаларни мусиқанинг сеҳрли оламига ошно этиб келатган Гулнора Нурматованинг шу кунларда қувончи чексиз – ўқувчилари Чехияда "Праганинг мўъжизавий юлдузлари" VI аънавий халқаро болалар ижодиёти кўрик-танловида бош мукофотни ва 1-ўринни қўлга киритишди. Бу бежиз эмас. Шу кунгача улар нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, Озарбайжон, Латвия, Украина, ҳатто Италия ва Францияда ўтказилган мусиқа ва санъат фестиваллари танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни, гран-при, олтин саксафонни қўлга киритган. Айниқса, Латвиядаги "Қадимий Рига му-



сиқалари" танловида "Семурғ" ансамбли солисти Рауан Сафаралиевнинг галабаси мусиқа мактаби жамоасини гран-при ҳамда Прагага бепул саёҳат билан сийлади. У ерда эса, таъкидлаганимиздек,

2-синф ўқувчиси Темур Мираҳмедов фортепьяно ижрочилиги бўйича бош соврин эгаси бўлди.

Танлов ҳақамлари, айниқса, ўзбекистонлик ёш мусиқачилар тайёрлаган миллий руҳдаги либос-

лар, халқ амалий санъати намуналарига, флейта ижрочилиги, хореография каби йўналишдаги чиқишларга юқори баҳо беришди. Бу муваффақиятлар учун мактабда муносиб пойдевор яратил-

ган. Шунинг учун ҳам 2013 йилда мазкур балим даргоҳи "Энг намунали мактаб" деган номига сазовор бўлди.

Сайёра ЭШМАТОВА,  
Қобилжон ҒОҒУРОВ  
олган сурат.

Хунармандчилик

## КЎЙЛАКНИНГ ЗЎРИ ПАРКЕНТДА

Паркентда хунари ортидан бири икки бўлаётган оилалар кўп. Латофат Ғуломова ҳам тикувчилик билан шугулланиб,

кам бўлмаяпти. Унинг шогирдлари билан яратаётган турли тикувчилик маҳсулотлари ёшу қарига бирдек манзур.



– Хунардан, ҳалол меҳнатдан келган даромад баракали бўлади, – дейди у. – Меҳнат қилган кишининг насибаси доим бутун. Бугун мамлакатимизда биз каби тadbиркор, хунараманд хотин-қизлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Яратилаётган имтиёزلардан фойдаланиб, қўлимиздаги хунарни ёшларга ўргатсак, рўзгоримиз бут, турмушимиз фаровон, юртимиз обод бўлиб бораверади.

Туман "Хунараманд" уюшмаси тикувчига касаначиликни йўлга қўйишда керакли хат-хужжатларни тайёрлаб, амалий ёрдам берди. Хозир Латофат Ғуломовани маҳалла аёллари хунараманд, тadbиркор аёл сифатида хурмат қилишди. Маҳаллада ўтказилган тadbирларда, байрамларда ўзи тиккан либослари билан иштирок этади.

Мижозлар талаб ва истаги, дизайнер қизларининг маслаҳати билан либосларда миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришмоқда. Шогирдлари сафига янги қўшилган қизларнинг ҳам қўллари тикишга анча келишиб қолди. Улар матоларни ўзлари бемалол бичиб, тикишяпти. Хунараманд келгусида қўшимча тикув машиналари харид қилиб, фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида.

Хуррият МЎМИНОВА,  
Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Унда, жумладан, жорий йил Ўзбекистон Республикасида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан "Соғлом бола йили", деб эълон қилинган ҳамда бунга тегишли бўлган Давлат дастури қабул қилинган ўз аксини топган.

Бу ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди, чунки мустақилликнинг биринчи кунларидан эътиборан ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол авлод тарбияси Ўзбекистонда устувор вазифа бўлиб келган.

Шуниси жуда муҳими, болаларимиз учун, халқимиз ва келажақ йўлида амалга оширилаётган ана шундай олижаноб фаолият изчил давом этиб келаётгани баробарида унинг қўламли борган сари кенгаймоқда. Натижалар эса яққол ва ҳаммининг кўзи

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ БМТ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

ўнгида намоён бўлиб турибди.

Масалан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида она ва бола саломатлигини муҳофаза этишининг миллий модели шаклландики, унинг юқори самарадорлиги бутун дунёда ўз эътирофини қозонди. Ихтисослашган тиббиёт марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий тиббиёт таъминотидаги ўтирилишининг натижалари ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбиясига қаратиляётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи бўла олади. Ўзбекистонда сифати халқаро меъёрларга жавоб берадиган 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган.

Жамиятда маънавиятни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-

жаҳонда болалар саломатлиги юзасидан энг яхши ғамхўрлик кўрсатиладиган ўн мамлакатнинг қаторига киради.

Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишининг натижалари ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбиясига қаратиляётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи бўла олади. Ўзбекистонда сифати халқаро меъёрларга жавоб берадиган 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган.

Жамиятда маънавиятни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-

ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган. Оилада муҳаббат ва ўзаро хурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг шаклланиши, ёш оилаларнинг оёққа туриб олишида моддий ёрдам кўрсатилиши, оналик ва болалик муҳофазасининг таъминлини, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўзларини намоён этишлари ҳамда кундалик рўзгор ташвишларини енгилаштириш учун зарур шароитларни яратиш сингари биринчи галдаги вазифалар мазкур дастурда белгиланган.

Шубҳа йўқки, оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат-нохукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, фуқаролик жамияти бошқа институтла-

рининг ўзаро ҳамжихатликдаги фаолияти ҳисобидангина мамлакатимиз учун фавқулодда долзарб масала сифатида қўйилган ушбу вазифалар самарали тарзда ҳал этилиши мумкин.

Дастурда кўзда тутилган бундай эзгу ишларнинг рўйхати узун.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, хурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган хурмат-эътибор ифодаси, деб биламиз.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳақидаги ахборот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тиллари – инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларига таржима қилинди.

"Жаҳон" АА.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига

Муҳаммад Юсуф ҳақида сўзлаганда, том маънодаги хасос шоирнинг ушбу куйма сатрларини эсласлик мумкин эмас.

Вилоят ҳокимлиги элимизнинг ардоқли шоирига бағишлаб,

мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Фармони асосида Чирчиқ шаҳрида ўтказган тadbирни адабиёт байрами, шеърят байрами, кўйинги, қалбига эл-юрт, Ватан меҳрини жо этган ижодкорлар байрами дейиш мумкин.

## ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ, ЎЗИНГДАН

Бу ажойиб тантанани она табиат ҳам астойдил сийлаб кўйди. Сўнги кунларда тез-тез ёғиб турган қор-ёмғирлар чекиниб, кўёш қулиб ёқди, карнай-сурнай садолари, дугору танбур, рубобу гижжак наволари кўнгиллари сарафроз этди.

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошчилигидаги шоирнинг яқинлари, Ўзбекистон халқ шоирлари, сенаторлар ва бошқа таникли ижодкор, олимлардан иборат меҳмонларни иштирокчилар олқишлар билан кутиб олишди. Байрамона безатилган сахна тўридаги шоирнинг самимият балчиқ турган ёрғун чехраси

– унда Ватан ардоғи, эл-юрт меҳр-муҳаббатидан мамнунлик ифодалари зоҳирдек гўё...

Тadbирни Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир очар экан, дастлабки сўзни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмоновга берди:

– Бугунги шодиёна, чехрангиздаги бахтиёрлик аввало юртимиздаги тинч, осуда, фаровон ҳаёт ифодасидир, – деди ҳоким. – Дунёдаги, ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларни кўрганда бундай ноёб неъматнинг кадри янада теранроқ билинади. Қолаверса, Ватанини жон қадар севган Муҳаммад Юсуфнинг порлоқ хотирасига кўр-

сатилаётган хурмат-эътибор бежиз эмас. У ўз диёрининг, халқининг фидойиси, Президентимиз таъбири билан айтганда маънавияти юксак инсон эди. Вилоятимизда унинг муносиб издошлари, касбдошлари, яқин дўстлари борлиги кишини қувонтиради.

"Адабиётга эътибор – келажакка эътибор" деган сўзларининг амалдаги ифодасини кўрсатиб турган бугунги тadbирда вилоятимизнинг ёш истеъдодлари ижод намуналари жамланган "Ёшлик баҳорининг бойчечаклари" номли китоб тақдимоти ҳам фикримиз далили.

(Давоми 2-бетда.)



Танлов

## БАҲОРИЙ ГУЛЛАР

"Қамолот" ЁИҲ Бекобод шаҳар кенгаши ўқувчи-ёшлар ўртасида "Баҳорий гуллар" танловини ўтказди.

Иштирокчилар баҳор гулларида тайёрланган байрам гулдасталарини намойиш этдилар. Уларнинг номлаши, сифати, гулларга берилган таърифларни ҳайъат баҳолаб борди.

Дастлабки учта ўрин эгалари, шунингдек "Энг нафис гул эгаси", "Энг нозик ишланган ижодий иш" номинацияси ғолиблари фахрий ёриқлар билан тақдирландилар.

Каримкул БОБОҚУЛ ўғли.



"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши, "Қамалак" болалар ташкилоти, шаҳар халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда "Қамалак" билимдонлари республика кўрик-танловининг шаҳар саралаш босқичи бўлиб ўтди.

## «ҚАМАЛАК» БИЛИМДОНЛАРИ

Танлов ўсиб келаётган ўғил-қизлар истеъдодини аниқлаш ҳамда ёш авлоднинг "Қамалак" болалар ташкилоти ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Барча жамоалар ғолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Уларнинг орасидан 11-, 14- ва 3-умумтаълим мактаблари жамоалари аъзолари ўз билими ва зукколиги билан бошқалардан ажралиб турди.

Қўрик-танлов натижаларига кўра, биринчи ўринни 11-умумтаълим мактаби "Баркамол авлод" жамоаси, иккинчи ўринни 14-умумтаълим мактабининг "Билимдонлар" жамоаси, учинчи ўринни 3-умумтаълим мактабининг "Қамалак ёшлари" жамоаси қўлга киритишди.

Ғолибликни қўлга киритган жамоалар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Туркистон-пресс".

2014 йил – Соғлом бола йили



ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

Қибрай туманида "Ўзбекнефтегаз" миллий холдин...

Асосан 3 йўналиш: юрак-қон томир касал...

олиш хоналари, замонавий мебель, техника ва...

Сайёра ЭШМАТОВА, Даврон АХМАД олган сурат.

ЁШ ЎЛКАШУНОСЛАР САЁХАТИ

Халқ таълими вазирлиги қошидаги Ўлкашунослик ва экология комиссия...

болалар марказининг ташаббуси билан ёш ўлкашуносларнинг Самарқанд шаҳ...

Ушбу акцияда вилоятимизнинг Охангарон ва Бўстонлик туманларида...

шаҳарни ободонлаштириш, кўчаларни янгилаш...

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

МАНА СЕНГА ОЛАМ-ОЛАМ ГҮЛ



– Гулчиликдан яхшигина даромад олиш мумкин, – дейди Қибрай тумани...

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ, ЎЗИНГДАН

ги хотираларини сўзлаш баробарида, шоирини бошига кўтариётган ўзбекистон халқига, Президентимизга чуккур миннатдорчилик билдилари. Муҳаммад Юсуф уй музейининг ташкил қилинаётгани, ҳайкал ўрнатилгани,



ни иштиёқ билан ижро этганларида томошабинлар узоқ олқишладилар. "Кимёгарлар" маданият саройи фойсидига ёш рассомларнинг ижодий ишлари, хусусан шоир Муҳаммад Юсуф сиймоси акс этган расмлар, табиат тасвирлари барчанинг эътиборини тортиди. Юқори савияда уюштирилган тadbир ташкилотчилари – вилоят, Чирчиқ шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмитаси, ёзувчилар уюшмаси, матбуот бошқармаси, халқ таълими, маданият ва спорт, маънавият бўлими хизмати эътироф этилди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

ЭҲТИРОМ

Қорликларда гул унмай ҳали, Унгуларда кезганда шамол, Орзуларга бир он чўмгани Турар эди бир йиғит хушҳол.

Чўққиларга термудди узоқ, Экинларга тутди юзини. Шовуллади шамоллар, бирок Юволамди унинг изини.

Кўтарилиди нафаси кўкка, Осмон нурга тўлади сар-сари. Бундай улуғ инсонни сира Кўрмаганди тоғлар иллари.

Чўққиларга ташлади қадам, Изларига ёғилди ёғду Қириклардан шаҳдам ва ўктам, Буюкликка чиқиб кетди у.

Қорликларда қолган излари Юволамдай, ўчиб қолмайди. Муҳаммадни сева олмаган Она юртин сева олмайд!

Рустам МАЛИКОВ. Паркент тумани.

Тadbир

КОЛЛЕЖЛАРДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Мақта битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига жалб этиш мақсадида вилоят касб-хунар коллежларида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилмақда.

шароитлар юзасидан атрофдаги маълумотлар беришди.

Бекобод шаҳридаги машгулот ва амалиёт хоналари, кутубхона ва кўрсатиш касб-хунар коллежларида шундай тadbир ўтказилди.

Тadbир сўнига коллеж раҳбарияти билан учрашув уюштирилиб, касб-хунар йўналишлари бўйича қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Каримкул БОБОҚУЛ ўғли.

Маиший хизмат

ОРАСТА АЁЛ – ОИЛА КЎРКИ

– Аёллар ўзларини ораста тутиб, айниқса сочларини чиройли турмаклаб юришса оиладагиларнинг кайфиятлари кўтарилади, – дейди чирчиқлик сартарош Лола Мирзаева.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Чехрасидан табассум аримайдиган бу аёл мана 15 йилдирки сартарош, "Лола" гўзаллик салони раҳбари. Келгусида келин кўйлаклари салонини ҳам очмоқчи. Дарвоқе, Лола салон ишидан ортиб, "Диёр-Файз" ўқув марказида сартарошлик бўйича дарс бермоқда.

Хуршида НАЗАРОВА.

ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторларни диққатиغا! Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоти худудий бошқармаси оммавий оферта савдоларига таклиф этади. Куйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта элон қилинади:

Table with columns: №, Давлат объекти номи ва манзили, Балансда сакловчи, Умумий ер майдони (га), Бинонинг умумий майдони (кв.м), Объекти соҳибдорлиги (сўм), Энг кам инвестиция миқдори, Балансда сакловчи ва иншоотлари, 37-48 Object details, 49-50 Object details, 51-52 Object details, 53-54 Object details, 55-56 Object details, 57-58 Object details, 59-60 Object details, 61-62 Object details, 63-64 Object details, 65-66 Object details, 67-68 Object details, 69-70 Object details, 71-72 Object details, 73-74 Object details, 75-76 Object details, 77-78 Object details, 79-80 Object details, 81-82 Object details, 83-84 Object details, 85-86 Object details.

Олди-сотиди шартномаларини тузиш шартлари:

оммавий оферта натижада эълон қилинган сандан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотиди шартномасини тузилади. Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг куйидаги банк рекевизитларида закалат пулини тўлашлари лозим.

оммавий оферта шартлари:

Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида кўнун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилоти худудий бошқармасининг (8-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонига зўдик билан хабар беришингиз сўралади.

этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари; – агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритиши мумкин.

Саломат бўлинг

БОТУЛИЗМ

— овқатдан заҳарланиш хасталиклари орасида оғир кечадиган касаллик бўлиб, зарарланган овқат истеъмол қилинганда вужудга келади ва марказий асаб тизими шикастланиши билан кечади.

БОТУЛИЗМ ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Асосий сабаблари: касаллик, термик ишлов гушт, балик), дудланган товуқ гушти, колбаси маҳсулотларини истеъмол қилганда келиб чиқади.

Касаллик қандай кечади: одам заҳарлангандан 12-24 соатдан сўнг ёки 1-5 кун, айрим ҳолларда 14-15 кундан кейин бошланади. Заҳар (токсин) ичкада тез сўрилиб, қонга ўтади ва бутун танага тарқалиб, асаб тизимини, шу билан бирга мушакларни шикастлайди.

Беморда қуйидаги белгилар кузатилади: бош оғриги, оғиз қуриши, кўнгил айниши, қусиш, ич кетиши; кўз олди қоронғилашиши, нарсалар қўшалок бўлиб кўриниши; кўз қорачиги кенгайиши; нутқ бузилиши (афозия), нафас олиш ва ютиниш қийинлашиши.

УНУТМАНГ, қопқоғи кўтарилган ва номаълум уй шароитида тайёрланган консерва банкларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш мумкин эмас.

Юқоридаги бирорта белги кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг! Касалликнинг олдини олиш учун: уй шароитида балик, гушт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ҳар хил турдаги консервалар тайёрлаш қатъиян ман этилади; сабзот-мева ва кўкатларни истеъмол қилишдан олдин, албатта, оқар сувда яхшилаб ювиш керак; харид қилинган консерва маҳсулотларини қоронғи, қуруқ ва салқин жойда сақлаш зарур.

Уй бекаларининг байрам дастурхонларини чиройли безаш ва мазали таомлар билан тўлдириб, меҳмон кутиши миллий урф-одагга айланган. Қолаверса, байрам дастурхонларига ҳар хил тузламалар ҳам қўйилади. Ушбу консерва маҳсулотларини сифатига эътибор бермай истеъмол қилишимиз оқибатида кутимлаган нохуш ҳолатлар юз бериши мумкин. Бунинг кўпчилигимизга аён.

ТОТЛИ ТАОМ ЗАҚҚУМГА АЙЛАНМАСИН

юмиши мумкин. Чунки, ботулизм таёқчасидан ажралган заҳарнинг марказий асаб тизимига бевосита таъсири ўта

хавфлидир. Ушбу касалликнинг белгилари пайдо бўлганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қили-

шингизни тавсия этамиз. Зеро, ўзимиз ва оила аъзоларимиз саломатлигини сақлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

ҚЎЗИҚОРИН МАЗАЛИ, АММО...

Баҳор фаслида ёнгирчиликнинг кўп бўлиши ва офтобли кунлар билан алмишиб туриши ёввойи қўзиқоринларнинг кўпайиши учун қулай шароит вужудга келтириши ҳаммамизга аён. Улар тоғлар, дала ҳовлилар, хиёбонлар, арк ва сойлар бўйларига, шунингдек, хонадон ҳовлиларида кўплаб учрайди.

Қўзиқориннинг ёввойи турларини билмай туриб, улардан консерва ва ҳар хил таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш ўта хавфли эканини эсдан чиқармаслик лозим.

Вилоятимизнинг айриқча қариёлар ва болаларда, бозорларда, Окўрғон, Бўстонлик, Бўка, Бекобод, Охангарон, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ ва Паркент туманларида кўплаб учровчи қўзиқоринларнинг аксарияти заҳарли ҳисобланади. Айримлари истеъмолга яроқли қўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлади. Бундай ҳолларда зудлик билан шифокорга мурожаат этишни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда беморнинг аҳоли оғирлашиб, нохуш асоратларга олиб келиши, айрим ҳолларда ўлим билан тугаши ҳам мумкин.

ХАСТАЛИҚДАН САҚЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Истеъмол қилиш мумкин бўлган ва аксинча, заҳарли қўзиқоринларни бир-бирдан ажратиш мушкул. Кўп ҳолларда улар бир-бирига жуда ўхшаш кетади.

Заҳарли қўзиқоринларга — оқ қўзиқорин, қизил мухомор, қулранг мухомор, сатанон қўзиқорини, сариқ сохта қўзиқорин ва бошқалар кирди. Қўзиқориндан заҳарланиш ҳоллари одатда апрель, баъзида эрта куз фаслида кузатилади.

Касаллик белгилари:

Истеъмол қилинган қўзиқорин турига қараб номаён бўлади. Лекин кўп ҳолларда қўзиқорин истеъмол қилингандан сўнг, 1-2 соат ўтгач,

- ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш;
- қоринда оғриқ пайдо бўлиши.

Бу илк белгилардир.

Қўзиқоринлар турига қараб, нейротоксик (асаб тизими фаолиятига), гемотоксик (қон тизимига), нефротоксик (буйракка), гепатотоксик (жигарга) таъсир қилади.

Бундан ташқари:

- сўлак оқиши, кўп терлаш, кўздан ёш оқиши кузатилади;
- томир уриши секинлашади;
- алаҳсираш (галлюцинация), титраш, кўз қорачиги кенгайиши (мускаринин) ёки торайиши (мускарин) кузатилади.

Беморга тез тиббий ёрдам кўрсатилса, 2-3 кунда соғайиб кетади. Ўз вақтида даво қоралари қўрилмаса, аҳоли ёмонлашиб, ўлим билан тугаши мумкин. Бундай нохушлик юз бермаслиги учун бозорлардан давлат санитария-эпидемиология назорати маркази берган маълумотнома бўлмаган қўзиқоринларни сотиб олиш тақиқланади. Акс ҳолда нафақат саломатлик, ҳатто, ўз умрингизга завоқ бўлишингиз мумкин.

Ботулизм — овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган оғир касалликдир. У асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади, асаб-мушак парези ва фалажига олиб келади. Баъзи ҳолларда эса инсоннинг ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ботулизм таёқчасининг қаерда бўлиши ҳалигача номаълум, бироқ у жуда заҳарли токсин ажратади. Унинг споралари озиқ-овқат маҳсулотлари қайнатилганда ҳам, узоқ муддатга музлатилганда ҳам ривожланиши ва токсин ҳосил қилиши мумкин. Уларга 180-190 даражада соғир ҳам таъсир кўрсатолмайди.

Ботулизм таёқчалари ташқи муҳитда — сув, тупроқ, мева ва сабзотларда кўп тарқалган бўлиб, консерва тайёрлаш технологиясига риоя қилмаслик оқибатида, гушт ва балиқ дудланганда, колбаса ишлаб чиқарилганда, ҳатто ҳаво кирмайдиган шароитда ривожланиб, ўзидан кучли заҳар ажратади. Уй шароитида мева ва

сабзотлардан консерва маҳсулотлари тайёрлаш умуман тавсия этилмайди.

Одатда, касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг кўнгил айниди, қўсади ҳамда меъдада оғирлик сезади, оғиз қуриydi, ҳолсизланади. Кўпинча, кўз хиралашиб, туман ёки "тўр" пайдо бўлиб, нарсалар қўшалок кўринади.

Касалликнинг оғир кечуви шаклларида вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиб, танасига махсус зардоблар юборилмаса, юрак фаолияти ва нафас олиш жараёнининг кескин бузилиши оқибатида бемор ҳаётдан кўз



Юртдошларимиз оқибатларда тайёрланадиган, бозор расталари ҳамда кўча-кўйда сотиладиган турли хил таомларнинг сифати ва санитария-гигиена қондалари рия қилмай истеъмол қилишлари натижасида заҳарланиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Айни кунларда аҳоли ўртасида тез-тез учраётган касалликлардан бири

ҳам айнан овқатдан заҳарланишдир. Бу касалликнинг ўндан ортқ шаки маълум бўлиб, уни қақирувчи омиллар хусусиятига қараб, шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси — бактериал, иккинчиси — нобактериал йўл билан. Учинчиси — этиологияси аниқ бўлмаган овқатдан заҳарланишдир.

тана ҳарорати камдан-кам ҳолларда кўтарилади. Ботулину лотинча "колбаса" маъносини билдиради. Уни ихтиро қилган олим бу микробни биринчи мар-

ни сақлашни тавсия этамиз. Шунингдек, кўча-кўйда, бозорларда ва савдо расталарида сифати ва хавфсизлиги қафолатланмаган, номаълум уй шароитида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини, миллий таомлар ва консерва маҳсулотларини харид ва истеъмол қилишни тавсия этмаймиз.

Ҳар қандай консерва маҳсулотларини истеъмол қилишдан олдин уларнинг ташқи кўринишига қатъий эътибор бериш лозим. Шу билан бирга консерва очилганда, унинг бир оз ҳидланган ёки ранги айнигани шубҳа туғдирган ҳолда ҳам истеъмол қилишдан ўзингизни сақланг. Касаллик юз берган тақдирда тезлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг. Шифокор келгунга қадар ошқозонни ювиш яхши натижа беради.

Умуман, ҳар қандай заҳарланиш ҳолларида ўз билганича доволаниш яхши эмас. Зарур шартлардан яна бири ҳар қандай шароитда ҳам овқатланишдан олдин кўлни ювишни унутманг. Шифокор келгунга қадар ошқозонни ювиш яхши натижа беради.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ.

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Бактериал йўл билан заҳарланиш биринчи гуруҳ касал қақирувчи микроблар — сальмонелла, бактериялар, стафилококлар ёки ботулину таёқчаси билан ифлосланган овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан келиб чиқади.

Нобактериал йўл билан заҳарланишга овқат маҳсулотларига турли заҳарли ўсимликлар, айрим меваларнинг ачиқ данаклари, қолаверса қимёвий моддаларни керагидан ортқ қўйиш тўғрисида истеъмол қилгандан сўнг рўй берадиган касалликлар кирди.

Бактериал йўл билан овқатдан заҳарланишга қўшимча 800 дан ортқ турга эга бўлган ҳайвон ва қушларнинг ёки сальмонелла билан оғирган кишилар ичигади салмонелла бактериялари сабаб бўлади. Агар кундалик ҳаётда санитария талабларига ва шахсий гигиена қондаларига риоя қилинмаса, касаллик қақирувчи бактериялар

гушт ва сут маҳсулотларига тушса, улар тез кўпаяди. Шундай ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари яхши пиширилмай истеъмол қилинганда киши заҳарланиши мумкин.

Одатда касаллик белгилари дастлабки 36 соат ичида бошланиши мумкин. Бундай заҳарланиш асосан ўткир бошланиб, беморнинг ҳарорати 40 даражача кўтарилиб, боши қаттиқ оғриydi, кўнгил айниди, тез-тез қайт қилади ва натижада дармонсизланади. Қоринда оғриқ пайдо бўлиб, тез-тез ич кета бошлайди. Агар касалликнинг енгил формаси беморни даволаш натижасида 4-5

кунда тузалиб кетса, кеч аниқланган оғир формаси 10 кундан то 10 ҳафтагача чўзилиши мумкин. Бундай ҳолларда тез-тез ич кетиши, тўхтовсиз қайт қилиш натижасида киши танасини керагидан ортқ суюқлик ажратилиши, туз ҳамда витамин алмашиниш меъёрини издан чиқаради.

Қолаверса, овқатдан заҳарланишнинг эгн хавфли формаси ботулинусдир. Ташқи муҳитда, яъни тупроқда кўп учровчи ботулину таёқчасининг ўзига хос пушти споралари бўлиб, у 100 даража иссиқда ҳам бардош бера олади. Улар ривожланиши учун 20 даража етарлидир. Ботулину

таёқчаси касал қақирувчи кўплаб микроблар каби нордон ва шўртка таомларда кўпая олмайд. Заҳарланиш белгилари ботулину таёқчаси токсинлари билан ифлосланган таомлардан истеъмол қилганда 6 соатдан 48 соат ўртасида кўриниши мумкин. Ботулину токсини бош мия тўқималари ва мушаклари харақатланиши ҳамда бошқа заҳарланганлардан ажралаб туриши билан характерланади. Бунда беморнинг кўрши қобилияти пасайиб, нарсалар иккита бўлиб кўринади. Шунингдек, нафас олиши ўзағиб, нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу касалликларда

та колбасадан топганлиги учун унга шундай ном берган. Ботулину токсини билан заҳарланиш ҳоллари колбасадан кўра уйда тайёрланган мева-сабзот консервалари ёки дудланган гушт ва балиқ маҳсулотларида бўлади, шунингдек, бу токсин билан ифлосланган таомларнинг ранги ва таъми ўзгармайди.

Заҳарланиш кўпгина ҳолларда аёллар ва болалар ўртасида учрайди. Ботулину билан заҳарланмаслик учун уй шароитида консерва маҳсулотларини тайёрлашдан воз кечган маъқул. Қопқоғи ёпиладиган сирли идишларга тузламалар тайёрлаш ва мураббозлар

ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога қуйидаги кўчмас мулк тақдоран қўйилмоқда: 1. Қийраи тумани СИБ томонидан 01.05.2012 й. № 6237/5-сонли ижро ҳужжати асосан Қийраи тумани, Салар ш.ф.й., "Селекция" маҳалласида жойлашган тикувчилик устaxonаси. Бошланғич баҳоси — 36 945 639 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 28 апрель кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 12.22.2013 й. № 19162-сонли ижро ҳужжати асосан Олмалик шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 4-уйда жойлашган кўчмас мулклар мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 130 792 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 12 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақиллари иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион қўлиб сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Зийлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Лицензия: RR-0052.

"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Олмалик ш. СИБ томонидан 23.01.2014 й. № 1849-сонли и.х.га асосан 1977 й. и.ч. "Ваз2103" д.р. 10W8556. Бошланғич баҳоси — 2835000 сўм. Олмалик шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланади. 2. Қуйи Чирчиқ т. СИБ томонидан 01.02.2012 й. № 138-сонли и.х.га асосан 2001 й. и.ч. "Газ3110" д.р. 10M9956А. Бошланғич баҳоси — 74731090 сўм. Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ АМТФКББ жарима майдонида сақланади. 3. Қуйи Чирчиқ т. СИБ томонидан 23.08.2013 й. № 387-сонли и.х.га асосан "Иж2125" д.р. 1128561. Бошланғич баҳоси — 735030 сўм. 4. Охангарон т. СИБ томонидан 10.05.2013 й. № 1-129-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. "Ваз21063" д.р. 01A214А. Бошланғич баҳоси — 6617396 сўм. 5. Охангарон т. СИБ томонидан 23.12.2013 й. № 1-521-13-сонли и.х.га асосан 1999 й. и.ч. "ГБА-Ваз21100СНП" д.р. 10E545FA. Бошланғич баҳоси — 14889800.40 сўм. 6. Охангарон т. СИБ томонидан 17.05.2013 й. № 1-148-сонли и.х.га асосан 1972 й. и.ч. "Ваз2103" д.р. 10X114А. Бошланғич баҳоси — 933261 сўм. 7. Охангарон т. СИБ томонидан 19.11.2013 й. № 1-190-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. "Ваз21013" д.р. 10B526EA. Бошланғич баҳоси — 3772861 сўм. 8. Охангарон т. СИБ томонидан 12.12.2013 й. № 1-439-13-сонли и.х.га асосан 2009 й. и.ч. "ГБАСПНексия доно" д.р. 500697DA. Бошланғич баҳоси — 2583886 сўм. 9. Охангарон т. СИБ томонидан 28.01.2014 й. № 1-485-сонли и.х.га асосан 2009 й. и.ч. "ГБАСПНексия доно" д.р. 01F281EA. Бошланғич баҳоси — 27678219 сўм. Охангарон тумани "Охангарон Раҳмонтранссервис" майдончасида сақланади. Аукцион савдоси 2014 йил 12 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақиллари иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080000204936050001, МФО 01103, СТИР 207257392. Аукцион қўлиб сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558.

ООО "MEYER SERVIS" (ИНН 3002355436), зарегистрированное ИПСП Сергелийского района г. Ташкента за реестр № 001155-06 от 16.03.2007 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, Сергели-4, дом 22, кв. 37, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей № 8-08042014 от 08.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, Сергели-4, дом 22, кв. 37 и по телефону: 189-50-12.

ООО "KAVILON BIZNES" (ИНН 3006822275), зарегистрированное ИПСП Юнусабдского района, г. Ташкента за реестр № 003457-10 от 16.01.2008 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, массив Юнусабд-7, дом 13, кв. 22, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение от 10.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТРСҮИ томонидан рўйхатга олинган "MASTER-PRINT" (ИНН 203095606) МЧЖ "RICOMEL BEVERAGES" (ИНН 301257059) МЧЖга қўйишлишини маълум қилади. Телефон: (+99899) 677-01-00.

"KASANA-SERVIS" МЧЖнинг устав жамғармаси 241 043 769 сўмдан 229 043 769 сўмга камайтилини маълум қилади.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Футбол

«ЧОТҚОЛ КУБОГИ» «ОЛМАЛИҚ»ДА

Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вилоят филиали ташкил этган «Чотқол кубоги» футбол мусобақалари юксак савияда ва кизгин баҳсларга бой тарзда ўтди.

Дастлаб иштирокчи саккизта жамоа икки гуруҳга бўлиниб, финал йўлланмаси учун кураш олиб борди. «Б» гуруҳида тўп сурган икки вакилимиз - «Паркент» ва «Чотқол» жамоаларининг омади келмади.

«А» гуруҳида бахс юритган «Олмалик» дастлабки босқичдаёқ вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Гуруҳ унрашувларини фақат галаба билан яқунлаган вакилларимиз эрим финалда «Б» гуруҳи голиби Янгиер футбол мактаб-интернати жамоаси билан учрашди. Унинг 0:0 ҳисобида яқунлаган, голибни 11 метрли жарима зарбалари воситасида аниқлашга тўри келди. Бу бахсда вакилларимиз 5:4 ҳисобида галабага эришиб, финалда йўлланmani кўлга киритишди. Иккинчи кўналчи - «Қўқон» жамоаси билан кечган учрашувда ҳам «Олмалик» ҳужумкор уйин намойиш этди. Бироқ рақиблар ҳам бунга қелишмади. Мурасасиз кечган уйин 3:3 ҳисобида яқунлашиб, голиб жамоа жарима зарбалари натижасига кўра аниқланди. Бунда «Олмалик» 5:3 ҳисобида галаба қозониб, «Чотқол кубоги»ни кўлга киритди. Иккинчи ва уйини ўринлар «Қўқон» ва «Ок олтин» (Сирдарё вилояти) жамоаларига насиб этди. Даврон АХМАД олган сурат.



Веломарафон

Шу кунларда вилоят шаҳар ва туманларида корхона, ташкилот, муассаса ҳамда маҳаллалардаги хаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» шиори остида веломарафон ўтказилмоқда.

ПОЙГА ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерациясининг жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш концепциясида белгиланган режага мувофиқ ташкил этилган марафонда 20 ва ундан катта ёшдаги ишчи-хизматчи ҳамда барча қизиқувчилар иштирок этмоқда. Веломарафонни ўтказишдан мақсад корхона, ташкилот ва муассаса ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали меҳнат самардорлигини янада оширишга қўмақлаштириш, аҳоли ва ёшларнинг спортга қизиқишини кучайтириш ҳамда велоспортни оммалаштириш, дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Мухайё Холбоева. Велотурда Охангарон туманидаги 55 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари фаол иштирок этдилар. Тадбир маҳаллалар аҳолисини ҳам бағрақ қолдираётган. Веломарафон тўрт босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич 10-20 март кунлари корхона ва ташкилотларда ўтказилди. Фоллибери 1-5 апрель кунлари туман ва шаҳар голиблиги учун беллашдилар. Мусобақаларнинг вилоят босқичи 14-19 апрель кунлари бўлиб ўтди. Унда голиб чиққанлар 14-15 май кунлари республика финал босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Ташкилотчилар голиб ва фаол иштирокчиларни рағбатлантириш учун асосий мукофот ҳамда медаллардан ташқари махсус совринлар ҳам таъсис этишган. Хусусан, «Энг ёши улўғ пойгачи», «Энг фаол пойгачи», «Энг маҳоратли пойгачи», «Энг ёш пойгачи» ҳамда «Галабага бўлган иштирокчи учун» номинациялари голиблари ҳам махсус совринлар билан тадқирланадилар. Юлдузхон МУХИДДИНОВА, Тошкент ҳақиқати мухбири.



Ўқувчи йигирма кишини чавақлади

Американнинг Пенсильвания штатида 16 ёшли ўсиюр қўлида иккита пичоқ билан мактабда қиринбарот уюштириб, бир қорувул ҳамда 19 ўқувчини яралади, деб ёзади Би-би-си агентлиги. Жабрланганларнинг ҳаммаси шифохонага ётқизилди. Икки кишининг аҳоли оғирроқ, бироқ врачлар уларнинг омон қолишига ишонч билдиришмоқда.



Маҳаллий ҳокимиятнинг баён қилишича, энди бу мактаб бир неча кунга ёпиб қўйилади. Шу даврда тергов ишлари олиб борилади. Қиринбарот уюштирган ўсиюр эса қамоққа олинди.

«ҚОРА ҚУТИ» ҚИДИРУВЧИЛАРНИ «ЧОРЛАЯПТИ» Хитойнинг патруль самолёти йўқолган «Боинг»нинг «қора қути» лари сигнал бераётган ҳудуддаги сув сатҳида номаълум буюмлар сузиб юрганини аниқлади.



«Синхуа» агентлигининг маълум қилишича, ўша жойга Хитой кемалари жўнатилди. Илгари Австралиянинг қидирув-қутқарув кемаси радарлари ҳам «қора қути» сигналларини эшитган эди. Қидирув хизмати бошлиғи Ангус Хьюстон қидирув операцияси яқин кунлар ичида муваффақиятли яқунлашишига ишонини таъкидлади. «Боинг» самолёти ҳалокатга учраганига бир ойдан ошди. Шундан бери қидирув давом этапти. Associated Press нашрининг хабарига қараганда, ҳозир Хинд океанининг қидирув бораётган ҳудудида 11 та ҳарбий ва 4 та граждан самолёти, шунингдек, 14 та кема ҳаракат қилмоқда.

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ РАД ЭТИЛДИ Испания парламенти Каталония мухтор вилоятининг мустақиллик масаласида референдум ўтказиш тўғрисидаги талабини рад этди, деб ёзади El Mundo газетаси.

Халқ депутатларидан 47 нафари референдумни ёқлади, аммо 299 нафар депутат унга қарши овоз берди. Испания бош вазир Мариано Рахой айтдики, у Каталонияни Испания таркибидан ташқарида бўлишини хатто тасаввур ҳам қилолмайди. Мадриднинг расмий нўхтани назарини Испания конституциявий суди ҳам маъқуллаб, референдум ноқонуний эканини эътироф этди. Каталония ҳукумати раҳбари Артур Маснинг сўзларига қараганда, ҳокимият мутасаддилари референдум ўтказишга қонуний йўллар билан эришиш учун курашини давом эттиради. 7,5 миллион аҳоли яшайдиган Каталония Испания ички ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини еттиштиради. Маҳаллий ҳокимият ҳамда аҳоли Каталония Мадридга катта миқдорда солиқ тўлаб, эвазига фақат лозим даражада молиялаштиришга эришилаётганидан норози.



ИСЛОМОБОД БОЗОРИДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ Reuters агентлиги тиббиёт муассасалари маълумотларига таяниб тарқатган хабарда келтирилшича, Ислмобод шаҳрига туташ бозорлардан бирида содир этилган кучли портлаш натижасида камида 23 киши ҳалок бўлди, 40 киши яраланиб, шифохонага ётқизилди.

Воқеа жойида ҳозир бўлганларнинг гувоҳлик беришига қараганда, бомба мева билан тўлдирилган яшиқ ичига беркирилган экан. Портловчи қурилма эрта тонгда, бозорга қўллаб одамлар тўпланган пайтда ҳаракатга келтирилди. Ҳозирча ушбу ҳодисани бирорта террорчи гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ. Кўпинча, бундай ҳаракатлар ортида «Толибон» туради. Шунингдек, портлаш бошқа жиноий гуруҳлар томонидан уюштирилган бўлиши ҳам мумкин.

Айни пайтда «Толибон» Покистон ҳукумати билан мамлакат турмасида ётган юзлаб маҳбусларни қутқаришга эришиш мақсадида музокаралар олиб бормоқда. БЕРЛУСКОНИ ҚАРИЯЛАР УЙИДА ИШЛАЙДИ Италия ҳукумати судга мамлакатнинг собиқ бош вазир Сильвио Берлусконини жазони ўтатиш учун қариялар уйига жўнатишини тасвифа этди.

Reuters агентлиги Италия судидан маълум қилинишича, Берлускони қариялар уйида ҳафтасига фақат бир кун ишлайди. Колган вақтда уй қамоғида ўтиради. У аввал Mediaset компаниясида солиқлар масаласида юз берган кўзбўямачилар сабабли тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бироқ, Берлускони амнистияга илиниши боис қамоқ бир йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши лозим. Шунингдек, судланувчи 77 ёшга тўлгани сабабли қамоқ жамоатчилиги иши билан алмаштирилади. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Кўргазма

ТАСВИРЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студиясини битирувчиларнинг диплом ишлари кўргазмаси очилди.

9 иштирокчининг мазкур кўргазмага қўйилган турли портрет, манзара, натюрморт ва бошқа жанрлардаги юздан ортиқ фотосуратларида юртимизнинг турли ҳудудларидаги табиат манзаралари, хотин-қизлар сиймолари, бегубор болалар чеҳралари, меъморий ёдгорликлар акс этган. Экспозициядан шунингдек, Тошкент фармацевтика институтини қохидаги лицей ўқувчиси қирбайлик Темур Абдуразоқовнинг Чимён, Белдирсой ва вилоятимизнинг бошқа гўзал манзаралари ҳам ўрин олган. Кўргазмага қўйилган фотосуратларда муаллифларнинг услубий ва мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги ҳамда ихтимойий ҳаётни, дунёни чуқур англаши, кенг тасаввур этиши, ҳаёт фалсафаси билан ҳам танишасиз. Шунингдек, Фотосуратлар уйининг яна бир залида Ўзбекистон карикатурачи расомларининг «Бирга қулишайлик» кўргазмаси намойиш этилмоқда. Экспозицияга қўйилган 200 га яқин асарлар орасидан болалиги Чирчиқ шаҳри, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ туманларида ўтган, республика ва халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчилари Радек Азизов, Николай Свириденко, Фаррух Ташеванинг карикатуралари ҳам жой олган. Маълумки, карикатура, ҳазил суратлар тарбиянинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Кўргазмага қўйилган асарлар миллий ва умуминсоний қадриятларимизни тарғиб қилишда ахлоқий камолот йўлига қўллаб-қувватловчи иллатларга қарши курашиб, эзгуликка, жамият тараққиётига хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Шанба фельетони

Уйингизда радио борми? Келинг, унда «радио-дуэт» тинглаймиз. Бу қанақаси, дейсизми?

Биласиз, икки хонанда биргалашиб қўшиқ айтса, дуэт бўлади. «Радио-дуэт» ҳам шундай. Бунинг тинглаш учун тўлқиндан тўлқинга ўтиб, хилма-хил ҳофизу хофизаларнинг қўшиқларига қулоқ тўтсангиз кифо.

Ҳозирги «овознигор»лар жуда қулай-да, қурур. Ававалгиларига ўхшаб «Машъал»ни тополмай эртдан кечгача шигиллатиб қулоқ бураш шартамас. Ҳар бир тўлқин алоҳида рақамларга муҳрланган. «Учир, икки... етти, саккиз» деб керакли рақамни босасиз - тамом, хоҳлаган эфирингизни тинглайверасиз. Яна «FM» тўлқинларининг қўлигини айтмайсизми?

«Радио-дуэт»ни истаган пайтингизда тинглашингиз мумкин. Масалан, ҳозир радио экингда, «биринчи рақам»ни босинг. Эшитасизми, унда жозибдор овоз соҳиб бўлган бир синглимиз «аммасининг бузоғи»га танбех берапти: Фарқлолмайсан ҳали ҳам, Атиргулни лоладан, Учрашувга вақтида Келмайдингиз боласан...

Қаранг, қиз бечора силласи сил бўлиб куталар уйининг яна бир залида Ўзбекистон карикатурачи расомларининг «Бирга қулишайлик» кўргазмаси намойиш этилмоқда. Экспозицияга қўйилган 200 га яқин асарлар орасидан болалиги Чирчиқ шаҳри, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ туманларида ўтган, республика ва халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчилари Радек Азизов, Николай Свириденко, Фаррух Ташеванинг карикатуралари ҳам жой олган. Маълумки, карикатура, ҳазил суратлар тарбиянинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Кўргазмага қўйилган асарлар миллий ва умуминсоний қадриятларимизни тарғиб қилишда ахлоқий камолот йўлига қўллаб-қувватловчи иллатларга қарши курашиб, эзгуликка, жамият тараққиётига хизмат қилади.

Кулоққа чалинган гаплар

Омадсиз одамни машина уриб кетса, ҳайдовчи бир амаллаб шифохонага олиб бориши мумкин. Лекин омади чопган одамни туртиб юборган машина аниқ «Тез ёрдам» хизматига мансуб бўлади...

Асар қаҳрамони шундай ақли ва олижаноби, ўзида бу фаилатларнинг бир мисоли ҳам бўлмаган муаллиф бундай «адабий портрет»ни қандай яратганига ажабланасан, киши.

- Балиқ сувсиз яшолмайди.
- Тўғри айтасиз, кечагинда Чинозда балиқхўрлик қилиб, роса чанқасам, денг...

ЭЪЛОНЛАР

ООО «BURHAN TRANS» соошбаёт об уменишни уставного фонда с 59 301.30 (пятьдесят девять тысяч триста один доллар тридцать центов) США до 29 650.65 (двадцать девять тысяч шестьсот пятьдесят долларов шестьдесят пять центов) США. Телефон: 398-72-38.
ООО «ALFA METALL» (ИНН 302864498), зарегистрированное ИПСР хомиятия Сергелийского района за реестр № 004223-06 от 12.03.2014 г., расположенное по адресу: Сергелийский район, массив 5, дом 3, кв. 10, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя от 25.03.2014 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по телефону: (+99899) 951-31-13.
СП ООО «ГАММА ТУРОН» (ИНН 302374815), регистр № 1316 от 30.08.2012 г., объявляет об изменении ОПФ на ООО и уменьшении уставного фонда с 150 000.00 долларов США до 73 935 391.00 сум. Все претензии по дебиторам и кредиторам, акционеров принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Тошкент, ул. Боби Шамол, дом 151-А, индекс: 100053 и по телефону: (+99899) 372-15-51.

лашинг халқ таботати усулларини тақлиф этаптилар: Навот қўшиб чой бераман ичангиз, Юрагимдан жой бераман келсангиз... Хой бола, келсанг келда, энди. Шўрлик қон бўб кетди-ку. Озгиндан сўла-

эслолмай қолдим, Опа, дардлашгани келинг, бир кеча... Бунисини қўйинг-у, аммо-лекин, қиз чорлаганда бормай, имкон ўрнига бахона кидирадиганлар билан қандай муомала қилишни бир синглимиз ўхшатиб тушунтираяпти-

Саломлашмай, уялсанг... Шўрлик қизинг ўзи айтиб турибди, қўлимни текизмайман, деб. Шундаям мана бу тўлқинда йигит халитдан хавотирга тушапти: Эмон қўрқдим, ёмон қўрқдим-а...

Мана бу янги тўлқиндаги «янги овоз»га нима дейсиз? Унда ўш сақкизга ё кирган ё кирмаган тўлқин-ойдек қизча ўз хонишларида нималарни орзу қилмайтлар, қаранг: Қаро тунга қундуз ҳилол Мен учун денгиз бўлсанг гар, Лабларим қайиқ мисол, Шу денгизда этса сайр...

Кейинги тўлқиндаги мана бу қўшиқни тинглаб, йигитга маломат қилманг, тагин. У тўғри маънода, акаларча насиҳат қияпти, холос: Савдолар орттирма бошингга, Шошилма қизгина, шошилма...

Тушунадиган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Э, йигитларни тушунадиган хофизалар ҳам борақан-а. Мана бу тўлқиндаги қўшиқни тинглаб қўринг: Узингизни қийнаманг, Кўзёшларга арзимас, Хар оқшомда бир йўқлаб Келишингиз фарзамас... Бу ёғи энди насиҳат шекилли. Радионинг ўчириб, ошхонага ўтасак, келинингиз сабази-пиёзни бостиринг, гуруч қовайтибди. - Бугун қайси кун? - деб сўрадик.


Келинингиз қулиб деди: - Бугун пайшанба-ку. Худди шу тобда телевизиорни ёқсак, ёшгина хонанда синглимиз йиғисига қилиб қуйлаяптилар: Чоршанба, пайшанба, жума Бўлди нима, бўлмади нима... Мухаммад АЪЛО.

гингни оқизиб, сандироқлаб юришингни қара. Шундай деб, бошқа каналга ўтишимизни билмасанг: «Мана биз борамиз-да», деб қўрак қеришинг ўрнига, манов азаматинг айтаетган қўшигини қаранг: Бўлди, бўлди қийнама, Токатини синама... Таваба, кутганинг келмагандан кейин шу-да: йўқса, манави каналда ўрини кута-кута неча тунларни бедор ўтказавериб, ҳафсала си пир бўлганларнинг дарди бу қўлдан надомат билан қуйланармиди: Рангимнинг рангини

Bolalik bog'i

Katta yoshli bolalar to'p o'yiniga qo'shavermagach, Ashraf bilan Ulug'bek zerkib qolishdi. Keyin Ashraf bobosidan, Ulug'bek tog'asidan pul undirdi. Ikki o'rtob birlashib, to'p ritoq olishdi. Endi ular mahalladagi katta bolalarga yalinib yurishmaydi. Kechqurungacha goh Ashraflaming, goh Ulug'beklaming ko'chada o'zi tengi bolalar bilan to'yunguncha to'p tepaverishadi. Ularning orasidan qil o'tmaydi. Birga dars qilishadi, maktabda ham bitta partada o'tirishadi. To'p bir kun Ashraflarnikida, bir kun Ulug'beklarnikida turadi. Bir kuni Ashraf to'pni maktabga olib bordi. O'qituvchi mavzuni tushuntirayotganda Ulug'bek to'pni tizzasiga olib, chertib o'tirdi.

baravar Ashraf bilan Ulug'bekka o'girildi. - To'p menda emas, Ulug'da edi, - dedi Ashraf. - Bugun sen olib ketadigan kun-ku, - dedi Ulug'bek. - Hozir sen uni tushirib yubording-ku! - dedi Ashraf. To'p sansalor bo'ldi. Sinfda gurra kulgi ko'tarildi. Muhayyo TO'LAGANOVA.



TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Muassis: Toshkent viloyati hokimligi

Bo'sh muharrir Ubaydulla ABDUSHOXIDOV e-mail: th.tp@mail.ru

Manzilimiz: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchasi, 32. Kabuloxona: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (faks).

Telefonlar: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (faks). Toshkent viloyati Matbuot va axborot boshqarmasida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan.

Nabvatchi muharrir Davron AXMEDOV Nabvatchi Avazbek XUDOYKULOV Saхifalovchi Toхir MAХMUДXУЖAEB